

Ҳикмат чашмалари



11:15 / 27.05.2022 4210

«Дўзах шаҳватлар билан ўралгандир...»

Ҳофиз ибн Абу Шайба деди:

«Шаҳват иши хатарли ва ёмонлиги улкандир. Қанчалар Аллоҳга мудом ибодатда бўлган обидларни шаҳват фосиққа айлантирган. Қанчалар олимларни у жоҳилга айлантирган. Қанчалар инсонларни у диндан чиқарган. Аслида, ўша инсонлар уларни танийдиганлар назарида инсонлар ичида залолат ва туғёндан энг узоқда бўлганлари эдилар. (Яъни, тўғри йўлда бўлиш баробарида шаҳватга муккасидан кетганликлари боис шу ҳолга тушганлар).

Ибн Абу Шайбанинг «Мусаннаф»идан.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Кимдаги тўрт хислат бўлар экан, Аллоҳ таоло уни шайтондан ҳимоялайди, паноҳ беради ва уни дўзахга ҳаром қилади:

1. Кучли интилиш, рағбат вақтида ўзига эгалик қилса;
2. Кучли раҳбат-қўрқув вақтида ўзига эгалик қилса;
3. Кучли шаҳват вақтида ўзига эгалик қилса;
4. Кучли ғазаб вақтида ўзига эгалик қилса».

«Ҳилятул авлиё» китобидан.

Ёлғиз бўлганинда ўз фикрларингни назорат қилгин, бошқаргин.

Одамлар билан бирга эканинда эса тилингни назорат қил, уни бошқаргин.

Муваффақият, ютуққа эришмоқчи бўлсанг, ғурурингни назорат қилгин, бошқаргин.

Ал-хубб – севги билан ал-вудд – дўстона муҳаббат ўртасидаги фарқ шулки, севги қалбда ўрнашадиган нарсадир, дўстона муҳаббат бўлса сулукда зоҳир бўлиб кўринадиган нарсадир. Ҳар бир вадуд муҳибдир. Лекин ҳар бир муҳиб вадуд эмасдир.

Доктор Муҳаммад Наблусий

Абул Асвад Дуалий қизини турмушга узатди. Уйдан (келинликка) кузатар экан, унга шундай деди: «Уни (эрингни) кўзини, бурнини ва қулоғини икром қилгин». Яъни, безаниш, хушбўй ифорлар ва ширинсўзлик билан эрингга эҳтиром кўрсатгин».

«Агар фурсат, имкониятдан фойдаланилмас экан, у кулфат ва ташвишга айланади».

Абдулазиз Уюнус-сууд роҳимаҳуллоҳ.

Шуайб алайҳиссалом кўп йиғладиларки, ҳатто кўзлари кўр бўлиб қолди. Шунда Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилиб деди: «Агар бу (йиғингни сабаби) жаннат (га эришиш) учун бўлса, Мен уни Сенга мубоҳ этгум. Агар дўзах(дан қўрқиб, ундан омон бўлиш) учун бўлса, Мен сени ундан

қутқаргум. Шунда Шуайб алайҳиссалом: “Йўқ булар учун эмас, балки Сенга бўлган шавқим, Сенга етишишга бўлган иштиёқим туфайлидир», деди.

Алий Ховвас раҳимаҳуллоҳнинг шундай деяётганини эшитдим:

«Аёлининг ёмон тили ва феълидан азият кўрмаган авлиё зотлар кам бўлган. Бундай бўлиши, нафсида бирон камчилиги сабабидан ёки бошқа аёлга уйланган киши йўлиқиши мумкин бўлган азиятларни кўтариши учун унга берилган бир синов, имтиҳондир».

Фарзандларимни энг яхши кечки Қуръон ёдлатиш курсларига ёздираман ва ҳар чоракда бу учун минглаб риёл сарфлайман. Чунки ишончим комилки, Қуръон таълими умумий таълим каби бирдек аҳамиятлидир. Аллоҳга қасамки, Қуръон таълим йўлида бирон нарса берган, сарф этган бўлсам, харжлаганимдан кўра бир неча баробар кўпини Аллоҳ таоло менга эваз қилган, ато этган. Шу сабаб, фарзандларингизни Қуръон билимлари эгаси бўлиб етишишларида асло бахиллик қилманг.

Ўлим сакароти енгил эмас. Агар сен оёғингга игна тиқиб олсанг, бутун баданинг аламланади. Чунки у бутун руҳ, жон билан боғлиқдир. Ўлим мастлиги, сакароти асносида бутун бадандан руҳ суғурилади. Шу сабабдан ҳам бу соатда инсон жисмининг ҳар бир туки ости, яъни ҳамма ери азобланади.

Лекин иймонни мустаҳкамлаш, Набий алайҳиссалоту васалламнинг суннатларини маҳкам тутиш ва ҳаромни тарк этиш ўлим сакаротини енгиллаштиради.

Arabic.uz манбаси асосида Хуршид Маъруф тайёрлади